

1930 йил  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



# Тўсатга

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

**БУГУНГИ  
СОНДА:**

**2-БЕТ**  
АҲЛИ МЎМИН  
МИННАТДОР

**3-БЕТ**  
КЕЛМАДИНГИЗ,  
ТОҒАЖОН!

**6-БЕТ**  
ОЛОВ  
ЖИЛОВКОРЛАРИ

**7-БЕТ**  
ХОТИНИНИНГ ЭРИ  
ҚИЛГАН ИШЛАР

28 март —  
Хотира кун

## Қахрамонларнинг оилалари унутилмади

Республика ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи, милиция майори **У. Жўраевнинг** газетамиз таҳририятига хабар қилишича, Хотира кун яқинлашгани муносабати билан ИИВ раҳбарияти ички ишлар идораларининг ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида ҳалок бўлган 157 ходими оиласига моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида илтимоснома тайёрлаган ва республика Олий Кенгашига юборган, 1991 йили жиноятчиларга қарши курашда 49, 1992 йили эса 39 ходимимиз ҳалок бўлди, ўтган йили ҳалок бўлган ходимларнинг 100 дан ортиқ оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди. Ана шу мақсадда "Наврўз" хайрия фондининг маблағларидан фойдаланилди.

Ўз ҳаётларини ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш йўлида қурбон қилган ходимларнинг бевалари ва фарзандларини ҳар бир байрам кунда кўриб келиш ва имкони борича уларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамма жойда хайрли анъанасга айланди.

**Ўз мухбиримиз.**  
(Хотира кунига бағишланган материалларимиз билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.)

## Ўзбекистон ИИВ Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг 75 йиллиги олдидан



Сиз суратда Андияжон шаҳар ИИБ Ёнгиндан сақлаш қисми бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат капитани **Қобилжон Қорабоев** ва ички хизмат оддий радио-телефонистикаси **Наргиза Исоқоваларни** иш устида кўриб турибсиз.

**Қ. Қорабоев** билан жамоатчи мухбиримизнинг суҳбатини ва Ёнгиндан сақлаш бошқармаси фаолиятига тааллуқли бошқа материаллар билан газетамизнинг 6-саҳифасида танишишингиз мумкин.

Сурат муаллифи **Ғ. ҒОҒУРОВ.**

## ҲОЙДАЛИ ТАНИШУВ

### ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУТАХАССИСЛАР ИНТЕРПОЛ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Эришилган битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбар ходимларининг бир гуруҳи халқаро ҳамкорликни йўлга солиш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва полиция ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш тизимини ўрганиш мақсадида Франция Республикасида бўлди.

Делегацияни франциялик ҳамкасблар жуда самимий ва очиқ кўнгил билан кутиб олди, уни Франция миллий полиция Бош бошқармасининг раҳбарияти қабул қилди. Мехмонларга Интерполнинг Лиондаги қароргоҳига бориб, бу ташкилотнинг фаолияти билан ҳар томонлама танишиш имконияти берилди. Ҳозирги вақтда Интерполга 164 мамлакат аъзо, уларнинг ҳар бири бош ассамблеяда ўз делегациясига эга. Ана шу халқаро ташкилотни қандай тuzилгани ҳақида сўзлаганда, шуни таъкидлаш жоизки, юқорида тилга олинган бош ассамблея, шунингдек ижроня қўмитаси, бош котибиёт, Интерпол аъзоси бўлган мамлакатларнинг полиция идораларида тuzилган миллий марказий бюрослар, маслаҳатчилар аппарати унинг энг муҳим ишловчи идоралари ҳисобланади.

Интерполнинг асосий вазифалари унинг Низомида белгилаб берилган. Улар орасида Интерпол аъзоси бўлган мамлакатларнинг амалдаги қонунлари (бу қонунлар инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси руҳида бўлиши керак) доирасида барча жиноят-қидирув полицияларининг ҳамкорлигини таъминлаш ва кенг ривожлантириш ҳамда умумий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши

курашишда хизмат қилувчи тартиботлар яратиш вазифалари ҳам бор.

Иштирокчи мамлакатлар ҳар бирининг жиноят-қидирув полицияси интерпол доирасида монанд хизматлар билан бирга жаҳон миқёсидаги жиноятчилар — товламачилар, сохта пул ясовчилар, наша ва банг сотувчилар, талончи ва қотиллар (агар улар амалга оширган жиноятлар икки ва ундан ортиқ мамлакат манфаатларига даҳл қилса) ҳақидаги материаллар ва ахборотлар айирибошлаш ҳақида ўзаро ҳамкорлик қилади.

Интерпол бош котибиятида халқаро миқёсдаги жиноятчилар ва улар амалга оширган жиноятлар ҳақида жуда кенг картотека тўпланган. Бутун ахборот муфассал таърифланган ва кўплаб фарқлаш белгилари билан таъминланган, уларга қараб бир лаҳзада зарур маълумотларни топиш мумкин. Котибият ходимлари бир кунда ўртача олганда бир миллиондан ортиқ расмий талабга жавоб қайтардилар.

Ахборот айрибошлашдан ташқари Интерпол турли мамлакатлар полицияларининг айрим, гоётда хавфли жиноят турларига қарши курашдаги тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш билан шугулланади, шунингдек ташкилот аъзоси бўлган ривожланаётган мамлакатлар полициясига амалий ёрдам кўрсатади. Бу ёрдам ривожланаётган мамлакатлар полиция ходимлари учун Европа, АҚШда ўқишларига, шу жумладан шу ерда касб маҳоратларини оширишларига ҳар йили бир неча (5-6та) стипендия ажратишда ўз ифодасини топади.

(Давоми 2-бетда).

## Икки жума оралиғида

### НАФС БАНДАСИ

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани ички ишлар бўлими ҳамда туман прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбир пайтида ўғирликда гумон қилинаётган Г.П.нинг уйда тинтув ўтказилди. Қаранг, унинг хонадонидан 60 тонна бўёқ мойи, бир тонна шакар, турли хил саноат моллари топилди. Гўе омборхонанинг ўзи. Маҳсулотларнинг умумий қиймати 6 миллион сўмни ташкил этади. Бу нафс бандаси ўзини ҳимоя қилиш чораларини ҳам кўриб қўйган экан. Уйдан бир дона ҳужжатсиз "ТОЗ-16" кўшотар ов милтиғи ҳамда хорижда тайёрланган тиги отилиб чиқадиган пичоқ топилди. Текшириш ишлари олиб бориляпти.

### ҚУРОЛ КИМГА ТЕГИШЛИ?

Зарафшон туманида яшаган, муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 125-модда, 3-банди билан жавобгарликка тортилган Н.С.нинг хонадонидан икки дона "Притол" ҳамда 14 метрли биофазали шнур топилди. Бу қурол кимга тегишли эканлиги аниқланмоқда.

### КОТИЛ ҲИБСДА

Ҳамза туманидаги Мальков номи биринчи тор кўча, 3-уй енидан, 1955 йилда тугилган Я.нинг мурдаси топилди.

Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли унинг қотили аниқланиб, ҳибсга олинди. У Чиноз шаҳрида яшаётган, муқаддам икки марта судланган З.Г. бўлиб чиқди. Терговни район прокуратураси олиб борапти.

### БАЛКИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШАР...

Самарқанд вилоятининг Пайарик тумани Богизагон давлат хўжалиги ишчиси, 1952 йилда тугилган А.Б. куппа-кундузи автобусда кетаётган енидаги 250 минг сўм пулини кассавурларга олдириб қўйди. Ўғри қидириляпти. Балким ҳазиллашиб олган бўлса қайтарар.

### КУШАНДА

Яккасарой тумани ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув бўлими ходимлари Стаханцов кўчасида яшовчи К.К.ни қўлга олишди. Сабаби, унинг енидан бир килограмму 173 грамм гиехванд модда топиб олишди.

### ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

Музробод туманида жойлашган Қоракамар Давлат автомобиль назорати постида "8 март" жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 1975 йилда тугилган А. ҳамда Денов шаҳрида яшовчи, 1975 йилда тугилган Ф.С.лар текширувдан ўтказилди. Бу икки ўспирин

ҳам гиехвандлик билан шугулланишар экан. Бундай дейишимизга сабаб, уларнинг енидан 162 дона гугурт қутисига жойланган наша топилди. Терговни прокуратура олиб борапти.

### ЖУФТАКНИ РОСТЛАШДИ

Жиноятчилар кўпроқ тунда ҳаракат қилишади, айникса, босқинчилар. Сирдарё шаҳридаги Янгихаёт жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган нафақадорнинг уйига тунда ана шундай чақирилмаган "мехмонлар" ташриф бузоришди. Улар юзларига никоҳ кийган уч нафар номаълум шахслар бўлиб, қарияни дастлаб калтаклашди, сўнг пул талаб қилишди. Олишув пайтида Т. босқинчилардан бирининг никобини ечиб олди. Қўрқиб кетган жиноятчилар уйдан ҳеч нарса олмай жуфтакни ростлашди. Қидирув ишлари олиб бориляпти.

### ЮЗ МИНГ СЎМ ЖОЙИДА

Баъзан ўғриларнинг ҳам омади юришмас экан. Ярим кечаси номаълум шахс Яккабоғ туманидаги 85-сонли автокорхона кассаси эшигини бузиб, ичкаридан ҳеч нарса ололмайд қочиб кетди. Кассадаги ишчиларнинг юз минг сўм пули жойида турибди.

### ТЕРГОВ АНИҚЛИК КИРИТАДИ

Қарши шаҳрида олиб борилган тезкор чоралар натижасида 1940 йилда тугилган О.нинг уйдан 1 минг 8 шиша шампан

виноси, 920 шиша рус ароғи, 240 шиша Ўзбекистон виноси, 111 минг сўмлик заёмлар топилди. Жиноятчи бу молларини хавф-хатардан ўзи қўриқлаш учун уйда бир дона рақами ўчирилган 16 калибрли ов милтиғи ва 8 дона ўқ ҳам сақлаган. О.нинг гапларига кўра, бу маҳсулотлар қуеви Б.га тегишли экан. Албатта, бунга тергов аниқлик киритади.

### БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИДА

Баъзан бепарволик сабабли энгин чиқади. Натижаси маълум. Лекин ана шу энгин натижасида баъзи бир фуқаролар ҳаётдан бевақт кўз юмаяпти. Гузор тумани Таҳам қишлоғида жойлашган "Ўзбекнефтгазгеология" бирлашмасининг йўл қурилиш участкасига қарашли вагонда тунда электр тоқининг қисқа туташуви натижасида энгин чиқди. Оқибати шу вагонда ухлаб қолган 35-ўрта мактаб дурадгори, 1970 йилда тугилган С. тутундан димиқиб ҳалок бўлди.

### АҚИДА АҚИДА-ДА!

Олтинқўл туманидаги "Коммуна" жамоа хўжалигида яшовчи "Азимхожи" кичик корхонасининг бошлиғи, 1961 йилда тугилган А. уйда ўзаро жанжал туфайли шахсий ов милтиғи билан опасининг эрини отиб ўлдирди. Қуевни пайгамбарлар ҳам сийлаган, дейди. Бу ақидага амал қилмаган Абдурахмонов ҳибсга олинди.

**М. ТИЛЛАЕВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Интерполнинг молия захиралари ташкилот аъзоларининг бадалларидан, шунингдек, тўхталар ва бошқа манбалардан (махсус журнал ва бюллетени, ўқув фильмларини тарқатиш) ташкил қилади. Ҳақиқатини амалга ошириш учун йўналтирилган ёрдам 18 миллион долларни ташкил этди, бу йил у маълумотларга қараганда 22 миллион долларга етади.

Интерполга ҳар қандай суверен давлат кира олади, бунинг учун ташкилот бюджетига дастлабки бадал — 14 минг доллар ва ундан юқори — тўланиш керак. У ёки бу мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, техникавий жиҳатдан қандай ривожланганига қараб ҳар йил 2 мингдан тортиб 100 минг долларгача бадал пули тўланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг яқин истиқболда Интерполга кириши мумкинлиги масаласи ҳукумат даражасида ҳар томонлама ўрганилмоқда, бу нарса, албатта, унинг халқаро даражада жиноятчиликка қарши курашдаги роли ва мақомини оширади.

Республикамиз ИИБ делегацияси француз полицияси ўқув юртлари тизимининг фаолияти билан муфассал танишди. Газетхонларни балки тизимнинг асосий тартибий қисмларини билиш қизиқтирар. Францияда милициянинг икки олий мактаби мавжуд. Париж ва

## ҲОЙДАЛИ ТАНИШУВ

### ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУТАХАССИСЛАР ИНТЕРПОЛ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Сен-Сиро Мон д'Орда. Сенсдаги унификациялаштирилган полицияни тайёрлаш бўйича ўқув ва амалий марказдан ташқари, миллий полициянинг минтақалараро ўқув-амалий марказлари, шунингдек мерганлик, жисмоний тайёргарлик ва малака ошириш миллий марказлари бор.

Париждаги Олий миллий мактабга 400 га яқин тингловчи ўқимокда, бу ерда кичик полиция офицерлари тайёрланади. Ўқитиш муддати — уч ярим ой, ундан сўнг тингловчилар бир оз муддат давомида ўзлари танлаган ихтисосликка мувофиқ равишда полиция идораларида тайёргарликни давом эттирадилар. Мактабда учта кафедра бор: ахборий фаолият, маъмурий полиция ва ҳуқуқбузишларни текшириш факультетлари.

Сен-Сиро Мон д'Ордаги полиция Олий миллий мактабига полиция комиссарлари, командир ва офицерлари танлови бўйича қабул қилинган номзодлар ўқитиш учун юборилади. Ўқитиш муддати икки ойдан ярим йилгача давом этади.

Сенсдаги ўқув ва амалий марказ олдига полициячиларни дастлабки тайёрлаш, шунингдек республика хавфсизлик роталари (мотоциклчилар, қуролсизлар,

алоқачилар, автотехниклар) техника бўлинмаларининг офицерларини ўқитиш вазифаси қўйилган. Марказ ўқитишнинг энг замонавий техник воситалари билан жиҳозланган, бу ерда шуғулланадиган 1300 дан зиёд курсант казармаларда яшайди.

Мерганлик тайёргарлиги миллий маркази (Париж) ва жисмоний тайёргарлик ҳамда малакани ошириш миллий маркази (Кани-Энлюз) полиция ходимларининг маҳорати ва касбий кўникмаларини такомиллаштириш учун мўлжалланган.

Мамлакатда жами 23 полиция ўқув юрти мавжуд, улардан 18 тасига олий маълумотли, одатда дорилфунунларни битирган кишилар қабул қилинади. Ҳар йили махсус полиция маълумоти олганлиги хусусидаги диплом билан 2300 дан ортиқ мутахассис тайёрланади. Уларга таълим бериш билан штатдаги 2300 га яқин профессор ва ўқитувчи шуғулланади. Бундан ташқари, лекция ўқиш ва бошқа машғулот турларига фуқаролик ўқув юртлари ўқитувчилари, полиция, суд, прокуратура, жандармерия, мотостройларнинг лавозимдор ходимлари, шунингдек етакчи адвокатлар жалб қилинади.

Полиция мактабининг курсанти

бўлимиш гоётада нуфузли, ўқишга кириш чоғида танловда ҳар бир ўринга 12 киши тўғри келишини айтиш кифоя қилади. Ўқишга махсус тестлар асосида қабул қилинади, бунда кирувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор берилади.

Дастлабки тайёргарлик берувчи полиция мактабларининг талабалари ҳар ойда 7 минг франк (1400 доллар) стипендия оладилар. Францияда амал-тақал кун кечириш учун эса минг франк (1050 доллар) керак. Полиция офицерларини тайёрлайдиган мактабларда стипендия анча ортиқ. Ушлаштириш ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда стипендияларни табақалаштириш кўзда тутилган, зеро ҳамма виждонан ўқийди. Профессор ва ўқитувчиларнинг иш ҳақи ойига 10 мингдан 26 минг франкка қадар. Ишқамслик учун талабаларга бериладиган жазо кўп эмас — ўқув юртидан ҳайдаш ҳақида оғохлантириш ва ундан ўчириш. Шуниси қизиқки, талабалар орасидан кичик командирлар тайинланмайди, бутун ўқув бўлинмаларига фақат штатдаги командирлар бошчилик қилади. Норматив ҳужжатларда полиция мактабларининг шахсий таркибини жамоат тартибини сақлашни таъминлашга жалб

этиш қатъиян таъқиқланган. Асосий ва бирдан-бир вазифа — жамият ва давлат тилаги бўлган юқори даражада маълумотли ишбилармон мутахассисларни тайёрлашдир. Полиция ўқув юртларининг фаолияти нафақат ИИБ раҳбариятининг, балки ҳукумат, парламент, шахсан Франция Президентининг доимо эътиборида туради. Шуниси ибратлики, Францияда битта полицияга 250-300 фуқарога тўғри келади. (Ўзбекистонда — 700-800 кишига битта милиция ходими тўғри келади).

Сафар якунлари шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг мустаҳкамланиши, халқаро ҳамкорлигини кенгайтириши ҳисобга олганда унинг Интерполга аъзо бўлиши мақсадга мувофиқлиги шуҳба уйғотмайди, бу эса криминал полиция бўлинмаларининг қалбаки пул яшаш, қимматдор қоғозларни сохталаштириш, наша ва банг моддаларининг айрилиши, ҳаводаги терроризм сингари жиноят турларига қарши курашда иш самарадорлигини оширади.

Францияда мутахассислар тайёрланиши тажрибасидан Ўзбекистон ИИБ ўқув юртлари тизимини тубдан қайта ташкил этиш, курсант ва тингловчиларни танлаб олиш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва олиб бориш, машғулотлар ўтказиш шакл ва усуллари тубдан ўзгартириш ишида ҳам фойдаланиш зарур.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

## АҲЛИ МЎМИН МИННАТДОР



Пойтахтимизнинг Чита кўчасида содир бўлган воқеа бутун шаҳар аҳли ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Биз бу ҳақда газетамизнинг ўтган сонидан хабар қилгандик. Бугунги кунда хавфли жиноятчини қуролсизлантириб қўлга олган, ёвузнинг ўқишга кўксини тутган Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходими, милиция лейтенанти Абдусамат Ғуломов, Юнусобод туманидаги 117-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Баҳром Рихсиев, "Отчопар-1" маҳалласида яшовчи, маҳалла фаоли Собиет Солиҳов, Абдуқодир Ғуломов ҳамда 7-таксопарк ҳайдовчиси Асил Ашрабхўжаевлар шаънига тасаннолар айтишмоқда.

Ўша кунги воқеани Собиет ака Солиҳов қуйидагича таърифлади:

— Касалхонадаги укамни кўришга бораётганим. Қарасам бўлмайди. Даставвал жиноятчиға ўзим тикка бордим. Шу пайт қандайдир тош оёғимга тегди. Оғриқ сезилмади. Тўшпончасини ўйинчоқ деб ўйлабман, лекин ҳақиқий ўқ узган экан.

Ўша ўйинчоқ деб ўйлаган тўшпончадан узилган ўқ ўн гулидан, бир гули очилмаган икки ёшни ярадор қилди, мажруҳ қилди.

Милиция лейтенанти Абдусамат Ғуломов ҳам ўша кеча ишдан қайтган эди. Атрофдаги гала-говурни эшитгач, чарчаб келдим-ку демади, унинг ёрдами билан Кутаиси шаҳридан келган жиноятчи қўлга олинди.

### Жасоратнинг меваси

Ўзи эса жароҳатланди.

Ҳозир уларнинг уччаласи ҳам касалхонада даволанишмоқда.

Кунни кеча "Отчопар — 1" маҳалласида юқоридаги воқеа қаҳрамонларини мукофотлаш маросими бўлди. Унда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Комилжон Қодирович Гофуров, Тошкент шаҳар ИИББнинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари, ички хизмат майори Рустам Ўрмонбеков, Юнусобод тумани ҳокими Рустам Калонов, туман прокурори Раҳим Жўраев ва туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Муҳиддин Ўтбосаров иштирок этдилар.

Маросимни туман ҳокими Р. Калонов ўз маърузаси билан очди. Сўнгра ички хизмат майори Р. Ўрмонбеков Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция генерал-майори Комилжон Қодирович Гофуровнинг буйруқ ва фармонини ўқиб эшиттирди. Шунга асосан жасорат кўрсатганлари учун Абдуқодир Ғуломов "Астра" магнитофони, Баҳром Рихсиев магнитофон, радиоприёмник ва пул, 7-таксопарк ҳайдовчиси Асил Ашрабхўжаев "Смена" фотоаппарати, Қудратилло Ғуломхўжаев уч минг, Собиет Солиҳов полос, уч минг сўм пул, милиция лейтенанти Абдусамат Ғуломов эса совутигач ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Асбобсозлик заводи маъмурияти ҳам қаҳрамонларимизга пул мукофоти тақдим этди.

Маросимда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция генерал-майори К. Гофуров маъруза қилиб, жумладан шундай деди:

— Азиз отахонлар, онахонлар, фаоллар, Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов айтганларидек, халқимиз ҳар қандай қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидалмайди. Шундай экан келинг,

бир ёқдан бош чиқариб эски урф-одатларимизни қайтарайлик, шундагина кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Биз ўз ишимизда бурилиш ясадик. Мазкур йилда жиноятчиликка қарши курашда кескин, катта бурилиш бўлиши керак. Ҳозиргиси етарли эмас. Бунинг учун кенг жамоатчиликнинг ёрдами керак. Бусиз бирор нарсани кутиш қийин. Биз ниманики қилсак ўз халқимиз учун қилаймиз.

Биз бир ҳовуч жиноятчилардан қўрқмаймиз, керак бўлса жон бериб жон фидо қиламиз.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

Суратларда: маросимдан лавҳалар. Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

ЁДНОМА

Эски ярани янгилаш яхши эмас. Хотира эса яра эмас. Хотира — бурч. Хотира — армон, изтироб... Бундай ўйлаб қарайдиган бўлсанг, инсондан қоладигани ҳам шу эканда, ўзи. Одамзод келиб-кетаяпти. Кўзда ёшу, кўнгилда хотира қолаяпти, холос. Шуниси ҳам яхши, деган ўйга борасан гоҳида. Келиб-кетгани эмас, қолгани. Бу бизнинг бурчимиз бўлганидан ташқари, тўғри ўйга бошлаб туради.

Қолаверса ҳар бир инсон яшашга ҳақли бўлганидек, ҳар бир инсон хотирланишга мувофиқ.

Биз—ҳаммамиз бу дунёда меҳмонмиз.

**ЎЛИМ ҚАЛБИМНИ ШУНДАЙ ҲАМ КУЙДИРАРМИ?**

Шеър нима бўпти, дейсиз инсон умри олдида...

Эълон қилаётганимиз, ушбу машқ Қўқон шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимининг собиқ бошлиғи, милиция майори, марҳум Раҳматжон Миртожиевнинг синглиси Муаззамхон қаламига мансуб. Раҳматжон бундан бир йил бурун, февраль ойининг ўша тўрт йилда бир келадиган кунда жиноятчининг ўқидан ҳалок бўлган. Биз бу ҳақда ўша пайтда хабар қилгандик. Ёшларнинг эса меҳри улкан бўлади, самимий бўлади. Қизалоқнинг шеърини шу нуқтаи назар билан ўқинг, уни аллақандай қонун қолипларига солиб кўришга уринманг. Муаззамхон ҳали ҳамма нарсага самимият билан қарайди, унинг ютуғи ҳам шунда.

Ўтганларнинг эса жойи жаннатдан бўлишини Оллоҳдан сўраймиз.

Анажоним, оллоҳ ўзи раҳмат қилсин,  
Дўстлар ночор, сабр ҳамда тоқат қилсин.  
Қирқ ёшида шахид кетди орамиздан,  
У дунёсин берсин, жойин жаннат қилсин.  
Устингизга қора тупроқ тортдиларми!!  
Ер тўймайди, тўйдириб ҳам бўларми,  
Акам, дейман фарёд уриб, тоқат қилинг.  
Ўлим қалбимни шундай ҳам куйдирарми!!  
Ёлғиз ўғли юрганини кўрмай кетган,  
Бу ҳаётнинг дийдорига тўймай кетган,  
Кексалиқнинг кўчасидан юрмай кетган,  
Қайда қолди танда жоним—акам менинг!!  
Ойу йиллар эҳ бунча тез ўтар экан,  
Худо яна сабр-тоқат берар экан,  
Ер қўйинга тупроқдайин сингиб кетган,  
Қайда қолди жисму-жоним — акам менинг!!

Муаззамхон МИРТОЖИЕВА.  
Қайқубол.

ТАҲРИРИЯТ.



Ушбу мрамартошга ўттиз битта шахид кетган мард инсоннинг исму шарифи ўйиб ёзилган. Уларни хар йили, ҳар доим ёдга олишади, зиёрат қилишади. Зотан, элимнинг тинчи дея жон фидо қилганлар ҳеч қачон унутилмайди.

М. МИРСОВУРОВ олган сурат.

**КЕЛМАДИНГИЗ, ТОҒАЖОН!..**

Инсон тақдирини кўпинча ҳуқуқшунослар ҳал қилади, дейишади. Инсон тақдирида бошқа бир чорасиз ҳукм ҳам катта роль ўйнайди. Унинг чорасини ер юзида юрган жамики тирик зот тополмайди. Унинг олдида ҳаммамиз ожизмиз.

Сиз кўриб турган суратдаги йигит — Гофур Аннақулов 26 ёшида бу дунёдан кўз юмди. Унинг таржимаи ҳолига оддий чизги бериш мумкин: 1966 йилда Навоий вилоятининг Нурота тумани Ҳасан ота қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётига кириб, уни 1988

меҳнаткаш билимдон ҳуқуқшунос эканлигини намойиш қилди. У қисқа 4 йиллик фаолияти давомида жуда кўплаб инсонлар тақдири билан боғлиқ ишларда иштирок этди, кўпгина инсонларнинг тақдирини адолатли ҳал бўлишида ўз ҳиссасини қўшди. Бугун эса унинг ўзи орамизда йўқ, энди у бир умрга биз билан бўлолмайди.

Тоғамиз келгуси ҳафтада неvara тўйига тараддуд кўраётган эдилар. Дунёда фарзанд тўйини кўришдек катта бахт бўлмаса керак. Афсус, у фарзандларининг тўйини кўролмай кетди. Тўйга атаб ёпилган нонлар — аза

ГОФУРЖОН МАРСИЯСИ

Яна баҳор келади,  
Ҳасан ота бўйига.  
Етиб келинг, тоғажон  
Шавкатжоннинг тўйига.

Ёз бола — ёлғиз бола,  
Яшасанг бўлмасмиди!  
Онани сени ҳар кун кеч  
Соғиниб кутмасмиди.

Билмадим, бу ажал-ов,  
Қайдан келди, увиллаб.  
Сиз кетдингиз, Самарқанд  
Қолгандайин ҳувиллаб.


Яна лола очилди,  
Ҳасан ота бўйида,  
Келмадингиз, тоғажон  
Шавкатжоннинг тўйига...

дасурхонида қўйилди. Кутилмаган автомобиль ҳалокати уни жуда эрта бу ёруғ дунёдан олиб кетди. Самарқандлик ҳуқуқшунослар, уни таниган-билган ёру-биродарлари унингсиз оҳ уриб қолди, аммо у энди йўқ. Уни соғинамиз, аммо тополмаймиз.

Ёлғиз ўғил дарди 57 ёшлик тоғамизни толиқтириб қўйди. Гофуржон хотираси бизнинг қалбимизда ҳамisha порлаб туради. Унинг иши тақдири бўлган неча-неча минглаб кишилар ҳаётида абадий яшайди.

4 май куни у 27 ёшга тўлиши керак эди. Бу дунёнинг 26 баҳорини кўрган йигит биз билан бир умрга-хайрлашди. Унинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшамак.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,  
ТошДД журналистика  
куллиёти толиби.



**Чинакам посбон эди**

Шундай инсонлар борки, улар ўзларининг эзгу ишлари, халқ манфаати йўлида қилган хизматлари эвазига ҳаётдан кейин ҳам кишилар қалбида абадий яшайди.

Маҳмуд ака Раджамов ана шундай инсонлардан эди. У Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, эл-юртга танилди.

Маҳмуд ака ўзининг дилкашлиғи, билимдонлиги, касб устаси, талабчанлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган.

У узоқ вақт «Коммунизм» маҳалласида участка вакили бўлиб ишлади. Ишга ўтган йилининг дастлабки ойларида ноқ маҳалла аҳли билан яқиндан танишиб, осойишталикни таъминлашга эришди. Оилавий жанжаллар маҳалланинг ўзида ҳал этилиб, Маҳмуд ака иштирокида бир қанча оилалар қайта тикланди. М. Раджамов бу маҳаллада ўн йил мобайнида участка вакили бўлиб ишлади. У маҳалла кўмиталари фаолиятига алоҳида эътибор берар, керак бўлса қўлидан келган ҳамма ишларни қиларди. Бундан мақсад — аҳоли билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, миллий удумлarga замонвий тус бериш, оилани мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни яхшилашдан иборат эди. У бунга эришди.

Маҳмуд аканинг беиннат хизматлари республика ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди: тўрт марта «Бенуқсон хизмати учун» I, II, III-даражали медаллари ҳамда собиқ Иттифоқ ички ишлар вазирлигининг «Аъло хизмати учун» нишони билан мукофотланди. Бундан ташқари у маҳаллий раҳбарият томонидан энгил автомашина, пул, эсдалик совға, бир неча «Фахрий ёрлик»лар билан рағбатлантирилди.

Маҳмуд ака Раджамов тажрибали ходим сифатида шаҳар, вилоят ички ишлар идораларида жуда қадрланарди. Шунинг учун ҳам уни шаҳардаги энг оғир участкаларга ишга ўтказилиб, у ерда тартиб-интизом ўрнатиларди.

М. Раджамов Арабхона (эски шаҳар маҳалласи), Навоий, А. Мўминов номидаги маҳаллаларда кўп йиллар давомида участка вакили бўлиб ишлади, осойишталикни



сақлашдек эзгу ишда ўз ҳиссасини қўшди.

Маҳмуд ака Раджамов ўзининг йигирма уч йиллик фаолиятида кўплаб шогирдлар тайерлади.

Бугунги кунда Маҳмуд ака орамизда йўқлар, аммо у кишининг тарбиясини олган шогирдлари, ҳормай-толмай устоз руҳини шод этиб, осойишталикни таъминлашда ҳалол хизмат қилиб келаётирлар. Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори Озод Абдикаров, А. Мўминов номидаги маҳалла участкаси вакили, милиция майори Мавлон Туронов, милиция ходими Анвар Мамедовлар ана шундайлардан.

Маҳмуд аканинг намунали хизмати ҳақида «На посту», «Зарафшон» каби газеталарда кўп марта ижобий мақолалар эълон қилинган.

У киши ўз касбини ниҳоятда севарди. Шунинг учун ҳам куну тун меҳнат қилиб, ўз соғлиғига унча эътибор бермасди. Узоқ вақт давом этган хасталиқдан сўнг милиция катта лейтенанти Маҳмуд ака Раджамов қирқ тўрт ёшида ёруғ дунёдан кўз юмди.

Республика Президентининг номларни абадийлаштириш ҳақидаги фармонида кўра халқ йўлида ўз жонини, умрини баҳшида этган биродарларимиз, миллатдошларимиз номига хибонлар, кўчалар, даҳалар қўйилмоқда.

Президентимиз фармонининг ижроси мақсадида шаҳримиз кўчаларидан бирининг номи Маҳмуд ака Раджамов номига қўйилса нур устига аъло нур бўларди.

Д. ЖУМАЕВ,  
Каттақўрғон шаҳар «Ёшлар овози»  
газетаси муҳаррири.

## ДУШАНБА

29 МАРТ

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10  
Мультфильм.18.20 "Кичкинтой" га  
мактублар. 19.00 "Ўзбекистон"  
(рус). 19.20 "Дехқончилик  
ислохоти". 19.55 Эълонлар. 20.00  
Дунё хабарлари. 20.10 Қашқадарё  
вилояти "Китоб гуллари"  
ансамблининг концерти. 20.30  
"Ўзбекистон". 20.55 "Ўзбекистон  
— келажик буюк давлат". 21.25  
"Барҳаёт наволар". Комилжон  
Отаниёзов. 22.50 "Катта кўчада  
оркестр билан". Бадий фильм.  
00.20 Эртанги кўрсатувлар  
тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Ассалому алайкум" 19.30  
Болалар учун. "Совга". 20.00  
"Лаҳза". 20.15 "Бизнинг суҳбат".  
20.30 "Миришкорлар". 21.00  
"Бевосита мулоқот. 22.00 "Лаҳза".

"ОРБИТА IV"

5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг".  
8.00 Янгиликлар. 8.20  
Мультфильм. 8.30 "Турналар  
учмоқда". Бадий фильм. 10.20  
Халқ оҳанглари. 10.30 "Торячев ва  
бошқалар". 9-серия. 11.00 Янги-  
ликлар. 11.20 "Тол". 11.50 "Сизни В.  
Канделаки таклиф этади". 13.00  
Теннис. Девис кубоги. Россия —  
Германия терма командалари.  
14.00 Янгиликлар. 14.25  
"Телемикст". 15.10 "Ён дафтар".  
15.15 "Цирк, цирк". 15.20  
Мультфильм. 15.50 Болалар  
телевидениеси уюшмаси  
намоиш этади. 16.20 "Иқболи  
кулганда". 17.00 Янгиликлар  
(сурдо таржимаси билан). 17.20  
Давлатлараро "Останкино"  
телеканални таништиради.17.40 "НЭП". 18.15 "Тол". 18.45  
"Сиз учун учрашувлар". 19.40  
Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55  
Эълонлар. 20.00 Янгиликлар.  
20.25 "Торячев ва бошқалар". 9-  
серия. 20.55 "Спорт уик-энди".

Янги студия таништиради:

21.10 "Бомонд". 21.30 "Бироқ".  
21.50 "АТВ-брокер". 22.05  
"Даракчилар". 22.25 "Джем-  
сейшн" Танафус пайтида (23.00)  
— Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар  
даври. 7.55 "Мутлақо махфий".  
8.50 "Фил ва оркестр ижроси учун  
соло". Бадий фильм. 1-серия. 9.55  
Музыка йирик планда. 10.55 "Узун  
сочли гўзал Варвара" Бадий  
фильм. 12.15 "Кичик Европа"дан  
репортажлар". 12.45  
"Дехқонларга тааллуқли масала".  
13.10 "Параллеллар". 13.25  
"Шчелкунчик". Мариинск  
театрининг спектакли. 14.40  
"Американинг еввойи табиати".  
Хужжатли фильм 4-фильм. 15.10  
Янгиликлар. 15.24 "Рост"  
студияси. 15.50 Трансросэфир.  
16.35 Мультфильмлар (АҚШ).

17.00—19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Эски дўстларингга  
ишонма". "Криминал ходисалар"  
туркумидан бадий фильм  
(АҚШ).

20.25—24.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

СЕШАНБА

30 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 "Жар".  
Бадий фильм. 9.40 Дунё  
хабарлари. 9.50 "ЭКОСАН" — эл  
хизматида. 10.20 "Уорлднет"  
телекомпаниясининг янгиликлари

\*\*\*

18.00 Янгиликлар. 18.10  
Мультфильм. 18.20 "Томоша"  
театр-студияси. 18.55  
"Спортлото". 19.00 "Ўзбекистон"  
(рус). 19.20 "Табиат  
мавжудотлари". 19.55 Эълонлар.  
20.00 Дунё хабарлари. 20.10  
"Қардошлик тароналари". 20.30  
"Ўзбекистон". 20.55  
"Навойхонлик". 21.35 "Икки дил  
достони". Бадий фильм. 23.10  
Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней  
таништиради...". 19.20 Давра  
суҳбати. 20.00 Ўзбекистон Давлат  
телерадиокомпаниясининг камер  
оркестри ижро этади. 20.40  
"Ҳайкалтарош ижодхонасида".  
21.20 "Тадбиркорлар". 22.20 "02"  
тўлқинида. 22.40 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгиликлар. 5.35  
Эрталабки гимнастика. 5.45  
"Тонг". 8.20 "Тингланг, томоша  
қилинг". 8.40 "Оддий Мария".  
Бадий фильм. 9.30 Ж. Россия  
2-соната. 9.45 "Қизил Шапкача  
ҳақида". Телевизион бадий  
фильм 1-серия. 10.50 "Матбуот-  
экспресс". 11.00 Янгиликлар.14.00 Янгиликлар. 14.25 "Иш-  
билармонлар хабарномаси". 14.40  
"Адам Смит бойлиги дунёси".  
15.10 "Ён дафтар". 15.15 Опа-сингил  
Книшлар куйлайди. 15.30  
Мультфильм. 16.00 "Истеъдодлар  
ва мухлислар". 16.50  
"Технодром". 17.00 Янгиликлар  
(сурдо таржимаси билан). 17.25  
Давлатлараро "Останкино"  
телеканални таништиради.  
Украина Президенти Л. М.  
Кравчук билан суҳбат. 18.05  
"Оддий Мария". Бадий фильм.  
18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун  
кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей.  
Лига кубоги. Финал. 22.00  
"Эфирда мусиқа". 1-қисм. 23.00  
Янгиликлар. 23.35 "Эфирда  
мусиқа". 2-қисм. 00.35 "Матбуот-  
экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар  
даври. 7.55 "Сиз яратган бог".  
8.25 "Хонаки клуб". 8.40 "Ёқимли  
тушдай эсда қолади". Бадий  
фильм. 9.25 "Ҳамоҳанглик". 9.55  
"Катала". Бадий фильм. 11.15  
Мультфильм. 11.35  
"Кинонигоҳ". 14.00 Мультфильм-ти. 14.10 "Дехқонларга тааллуқли  
масала". 14.30 Янгиликлар. 14.45  
Мультфильм. 14.55 "Мансаб  
алифбоси". 15.10 Трансросэфир.  
15.55 "Аз есмь". 16.25  
Мультфильм.

16.40 "Умид билан...".

\*

17.00 — 21.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

\*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.25 "Асил ҳолича". 22.20  
Спорт кўрсатуви. 22.25 Филипп  
Киркоровнинг "Атлантида" шоу-  
томошаси. 1-қисм.  
23.25 Россия Федерацияси  
Олий Кенгашининг сессиясида.

ЧОРШАНБА

31 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25  
Телефильм. 7.50 "Дунё  
хабарлари". 8.00 "Ошиқ бўёқчи  
ҳақида эртақ". Бадий фильм. 9.20  
Турк тили. 9.50 "Уорлднет"  
телекомпаниясининг янги-  
ликлари. 10.05 Хор куйларидан  
концерт.

\*\*\*

18.00 Янгиликлар. 18.10  
Мультфильм. 18.20 "Қувноқ  
шаҳарча". 19.00 "Ўзбекистон"  
(рус). 19.20 "Ғазалхон ёшлигим".  
19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё  
хабарлари. 20.10 "Осойишталик  
посбонлари". Ички ишлар  
вазирлиги хабарномаси. 20.30  
"Ўзбекистон". 20.55 "Мулоҳаза".  
21.55 Футбол бўйича Ўзбекистон  
чемпионати. Олий лига. 1.  
"Нурафшон" (Бухоро) —  
"Нефтчи" (Фаргона). 2-тайм.  
"Пахтакор" — "Янгиер". 2-тайм  
(езиб олинган). 23.25 Эртанги  
кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Шифо маскани". 19.00  
"Спринт". 19.20 "Суҳбатга  
чорлаймиз". 20.20 "Санъат ва  
давр". 21.05 Давлат  
автоинспекцияси ходимлари  
билан бевосита мулоқот. 22.05  
"Суперспорт". 23.05 "Оқшом  
учрашувлари".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгиликлар. 5.35  
Эрталабки гимнастика. 5.45  
"Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20  
"Домисолька". 8.35 "Оддий  
Мария". Бадий фильм. 9.25 Халқ  
оҳанглари. 9.40 "Қизил Шапкача  
ҳақида". Телевизион бадий  
фильм. 2-серия. 10.50 "Матбуот-  
экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Куйлашни биладиган куч-  
чук". Телевизион бадий фильм.  
13.30 Телефильм (Саратов).

\*

14.00 Янгиликлар. 14.25  
"Телемикст". 15.10 "Ён дафтар".  
15.15 "Учинчи фаришта йўқлаб  
келди" (Беларусь). 15.40  
Мультфильм. 16.00 "Муъжаз  
Даниядан катталар ва болаларучун эртақлар". 16.20  
Мультфильм. 16.50 "Технодром".  
17.00 Янгиликлар (сурдо  
таржимаси билан). 17.25  
Давлатлараро "Останкино"  
телеканални таништиради. 17.50  
"Оддий Мария". Бадий фильм.  
18.40 "Миниатюра". 18.50 "Бир  
умр қалбимга кулоқ соламан...".  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
19.55 Эълонлар. 20.00 Янги-  
ликлар. 20.20 Хоккей. Лига  
кубоги. Финал. 22.00 "Чиллак".  
Телевизион бадий фильм. 22.45  
"Матбуот-экспресс". 23.00 Янги-  
ликлар. 23.40 "L-клуб".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар  
даври. 7.55 "Сиёсат майдонида".  
8.50 "Параллеллар". 9.05 "Фил ва  
оркестр ижроси учун соло".  
Бадий фильм. 2-серия. 10.05  
"Асил ҳолича". 11.00 "Бола ти-  
лидан". 11.30 "Санта-Барбара" 148-  
серия. 12.20 "Театр интерьеридоги  
портрет". 13.00 "Дехқонларга  
тааллуқли масала". 13.25  
Волейбол бўйича Россия  
чемпионати. Финал. 14.10  
Мультфильм. 14.20 "Сигнал". 14.35  
Янгиликлар. 14.50 "Рост"  
студияси. 15.20 Трансросэфир.  
16.05 Христианлар учун кўрсатув.  
16.35 "Жаноблар-ўртоқлар".

\*

17.00 — 21.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

\*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.25 "Ҳамжихатлик йўли".  
22.10 "Рахманиновнинг  
қадамжолари бўйлаб". 23.10  
"Барабанида". 23.40 "Пост-  
Монре фестивали".

ПАЙШАНБА

1 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25  
Телефильмлар. 8.00 "Шум бола".  
Бадий фильм. 9.20 Дунё  
хабарлари. 9.30 Араб тили. 10.00  
Фильм-концерт. 10.30 Ўқув  
кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. 11.00  
"Уорлднет" телекомпаниясининг  
янгиликлари 11.15 "Ўзбекистон".  
Телевизион киножурнал. 11.30  
Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон  
халқлари тарихи. 12.00 "Турунг".

\*\*\*

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ёшлиқ  
студияси". "Фақат сиз билан."  
19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20  
"Табассум сайли". 19.55 Эълонлар.  
20.00 Дунё хабарлари. 20.10  
"Футбол майдонларида". 20.30  
"Ўзбекистон". 20.55 "Бош  
ислохотчи давлатдор". 21.25  
Телевизион миниатюралар театри.  
22.10 "Ғаройиб ҳодиса".  
Кинокомедия. 23.15 Эртанги  
кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ  
КЎРСАТАДИ18.30 "Табассум". 19.00  
"Дийдорлашув". Телевизион  
киножурнал. 19.20 "Эсдалик учун  
дастхат". 20.00 "Пульс". 20.15 "Бу  
оқшомда". 21.30 "Пульс". 21.45  
"Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгиликлар. 5.35  
Эрталабки гимнастика. 5.45  
"Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20  
Мультфильм. 8.35 "Кўплаб  
музыкалар". 9.15 "Ҳайвонот  
оламида". 10.05 "... 16 ешгача ва  
ундан катталар". 10.50 "Матбуот-  
экспресс". 11.00 Янгиликлар. 11.20"Акамнинг тўйи". Телевизион  
бадий фильм. 12.25 Хужжатли  
фильм. 12.45 "Ҳаётни қайтадан  
бошлаб...". Телевизион бадий  
фильм.

\*

14.00 Янгиликлар. 14.25  
"Телемикст". 15.10 "Ён дафтар".  
15.15 С. Рахманинов  
романсларини И. Архипова ижро  
этади. 15.45 Мультфильм. 16.05  
"Кўплаб музикалар". 16.45 "... 16  
ешгача ва ундан катталар". 17.55  
"Мулкдор алифбоси". 18.10 "Ўз  
ўрнида эмас". Бадий фильм. 19.40  
Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55  
Эълонлар. 20.00 Янгиликлар.  
20.25 "Аншлаг. Аншлаг". 22.15  
"Жамоатчилик фикри". 23.00 Ян-  
гиликлар. 23.35 "Жамоатчилик  
фикри". 23.50 "Труба" радиоси".  
00.20 "Матбуот-экспресс". 00.30  
Футбол "Уэмбли сари йўл".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар  
даври. 7.55 "Нота бене" студияси.  
8.50 "Ишдан бўш пайтингизда".  
9.05 "Тилла шпора". 9.35 "Рост"  
студияси. 10.05 "Сатирикон"  
студияси. 11.00 "Санта-Барбара".  
149-серия. 14.50 Мультфильмлар  
12.05 "Биз МЭИданмиз". 12.35  
"Дехқонларга тааллуқли масала".  
12.55 "Тап-гаштакларни кўмсаб".  
13.25 Ленком театрининг  
"Фигаронинг уйланиши"  
спектакли премьерасида. 14.25  
"Алгоритмлар". 14.55 Янгиликлар.  
15.10 Трансросэфир. 15.55 Кичик  
музика кечалар. 16.30 "Кулги  
кироллари".

\*

17.00 — 18.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 "Нишонни мўлжаллаб".  
Кинокомедия (АҚШ).

\*

20.25 — 21.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.40 "Жентельмен-шоу".  
22.25 "Филипп Киркоровнинг  
шоу-томошаси". 2-қисм. 24.00  
"Экзотика".

ЖУМА

2 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25  
"Садкаи сар". Бадий фильм. 8.50  
Дунё хабарлари. 9.00 "Меҳр  
қолур, муҳаббат қолур". 9.35  
Болалар учун фильм. "Писмиқ".  
10.15 "Уорлднет  
телекомпаниясининг янгиликлари  
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.  
11.00 Телефильм. 11.30 Ўқув  
кўрсатуви. Жугрофия.

\*\*\*

18.00 Янгиликлар. 18.10  
Мультфильм. 18.30 "Талабалик  
йилларим". 19.00 "Ўзбекистон"  
(рус). 19.20 "Шукрулло".  
"Ўзбектелефильм" премьераси.  
19.50 Музика дақиқалар. 20.00  
Дунё хабарлари. 20.10 "Билиб  
қўйган яхши". 20.30 "Ўзбекистон"  
20.55 "Инсон ва замин". 21.55  
"Кўшиқ рақсга уланса". 22.40  
"Баъзида эслаб қўй". Бадий  
фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар  
тартиби.

ЎзТВ II

18.30 БИШКЕК  
КЎРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Зазеркалье". "Сехрли олма". Телевизион бадий фильм. 9.40 Концерт. 10.00 "Саёхатчилар клуби" 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Америка М. Таратута билан". 11.50 "Кичик бутхона". 12.10 "Қариндошлар". Фильм-спектакль

14.00 Янгилар 14.25 "Брижд" 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар" 15.10 "Атар муолиши". Телефильм премьераси. 15.30 "Зазеркалье". "Сехрли олма". Телевизион бадий фильм. 16.50 "Иш". 17.00 Янгилар 17.30 "Инсон ва қонун". 18.00 "Америка М. Таратута билан". 18.30 "Мўъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Хафтанинг машхур киши". 20.40 "КТВ-1" ва Франс интернациональ канали таништилади: "Худди ака-укадек". Телевизион бадий фильм премьераси. 22.10 "Матбуот-экспресс".

**"ВИД" таништилади:**  
22.25 "Сиесий бюро". 23.35 "Музобоз". 00.15 "Авто-шоу". 00.30 "Обоз" майдончаси". "Браво" гуруҳининг концерти. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

**"ДУБЛЬ IV"**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 "Оқ қарға". 8.40 Ишдан бўш пайтингизда. 8.55 "Биз фақат танишмиз...". 9.25 "Аляска — Сибирь" (АлСиБ). 10.15 "Жентельмен-шоу". 11.00 "Нишонни мўлжаллаб". Кинокомедия. 12.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.50 "Ижица". 13.20 "Дўстлар уйи". 13.50 "Кулги қироллари". 14.25 "Телебиржа". 14.55 Янгилар. 15.10 "Рост" студияси. 15.40 Трансросэфир. 16.10 Жума кунлари Дисней.

**17.00 — 21.25**  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
21.25 "Ҳамжихатлик йўли". 22.15 "Пеликан акцияси". 23.25 Кечки салон.

**ШАНБА**  
**3 АПРЕЛЬ**  
**ЎЗТВ I**  
7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 Дунё хабарлари.  
8.10 "Уддабурон Берендеев". Бадий фильм. 9.15 "Алифбо сабоқлари". 9.45 Еш спортчилар мактаби: 1. "Шохрух" клуби. 2. Кураш (бухороча усул). 10.35 "Дўстлик сарҳад билмайди". 11.20 "Мактабда Наврўз байрами". 11.50 "Бунёдкорлар". 12.20 "Оила". 13.20 "Жамоат ташкилотларида".

18.00 Мультифильм. 18.15 "Умид учкунлари". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Кино жавонидан". 20.05 "Санъат олами". 20.30 "Туркистон" 21.00 "Маҳобҳорат". Бадий видеофильм (Ҳиндистон). 10-серия. 21.45 "Мархабо, талантлар!". 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

**17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.**  
**"ОРБИТА IV"**  
5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.10 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 8.35 "Эльдорадо". 9.05 "Шанба кунги дастхат". 9.35 "Скан" — ҳамма нарса бўлиши мумкин... 10.00 "Лаззатли ва фойдали таомлар ҳақида". 1-қисм. 10.25 "Китобхона" 11.05 "Мусикий дўкон". 11.35 "Қизил космос". Телевизион ҳужжатли фильм. 12.05 "Тугалланмаган қисса" ("Ленфильм", 1955 йил, 1973 йилда қайта тикланган). 14.00 Янгилар. 14.25 "Мулкдор алифбоси". 14.35 "СОС". 15.10 "Сергей Рахманиновга таъзим". 15.15 "Билл Клинтон ва бошқалар" 16.05 "Ультра-си". 17.05 "Қизил квадрат". 17.45 "Бахтли тасодиф". 18.45 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Викки кўшиги". Бадий фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Кентервиль шарпаси". Бадий фильм 2-серия. 21.15 "Қорқиз ва етти гном". 21.55 "Матбуот-экспресс". 22.05 "Бир боқишда муҳаббат". 22.45 Мультифильм. 23.00 Янгилар. 23.35 "Тилла гардишли кўзойнак". Бадий фильм (Италия, Франция, Югославия).

**"ДУБЛЬ IV"**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
7.20 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.50 "Ўхшаш дунёлар". 8.20 Рост студияси. 8.50 "Кузирхоним". 9.20 "Сафсаталар". 9.50 "Леонард Лавринскийнинг ростўйлик чўққиси". 10.20 "Агар бу севги бўлсачи?".  
**11.55 — 15.05**  
**"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
1. "Авлодлар". 2. "Интерспорт". 3. "Рангинкамон" (тожик тилида). 4. Шарқ тароналари.

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
15.05 "Чегарасиз футбол". 16.00 Театр сафари.  
**17.00 — 18.25**  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
18.25 "Ёзнинг охиридаги қуёшли кун". 18.55 "Демократлар Америка мамлакатини шу аҳволга олиб келишди...".  
**19.55 — 21.50**  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
21.50 "Тамара Александровнанинг эри ва кизи". Бадий фильм.

**ЯҚШАНБА**  
**4 АПРЕЛЬ**  
**ЎЗТВ I**  
7.00 Телефильм. 7.20 Фильм-концерт.

8.00 "Туркистон" 8.30 "Маҳобҳорат". 9-10-сериялар. 10.00 "Анъана ва замон". 10.40 Инглиз тили. 11.10 "Қирқ хунар ҳам оз...". 11.50 Мусикий кўрсатув. 12.20 "Ватанпарвар". 13.05

"Замандас" 14.05 "Тадқиқот самараси". 14.20 "Олтин сур". Бухородаги "Хунарбанд" корхонаси. 14.30 "Яккабоғ дон маҳсулотлари комбинати".  
\*\*\*  
18.00 "Ўйнаймизу ўйлаймиз". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Мерос". 20.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.30 "Ўзбекистон" 21.00 Жаҳон спорти янгиларлари. 21.10 Киноконцерт. 21.55 "Қамоқ муддати ўтгунгача". Бадий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**ЎЗТВ II**  
**18.00 Бишкек Кўрсатади.**  
**"ОРБИТА IV"**  
5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 "Спортлото" тиражи. 7.55 "Марказ" 8.25 Мультифильм. 8.55 "Ҳозирча ҳаммаси жойида". 9.25 "Тонг юлдузи". 10.15 "Лаззатли ва фойдали таомлар ҳақида". 2-қисм. 10.45 "Пи" белгиси билан. 11.35 "Қора кўркем от саргузаштлари". Телефильм. 12.00 "Янги авлод" танлайди. "КТВ-1" ва Франс интернациональ канали таништилади.  
12.50 Мультифильм. 13.00 Ҳужжатли фильм.

14.00 Янгилар. 14.15 "Саёхатчилар клуби". 15.05 Мультифильмлар. 16.05 В.-А. Моцарт. 15-соль мажор симфонияси. 16.20 "Эфирда бевосита мулоқот". 17.00 "Панорама". 17.45 Янгилар 18.05 "Большой театр. Кунлар ва оқшомлар". 3-кўрсатув. 19.00 "КВН-93". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Яқунлар". 21.45 Диний кўрсатув. 22.45 Мусикий жиллолар. 23.00 Янгилар. 23.20 "50x50" телетомошалари.  
**"ДУБЛЬ IV"**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
7.20 Баскетбол шарҳи. 7.50 "Биз МЭИданмиз". 8.20 "Рост" студияси. 8.50 "Телекроссворд". 9.20 "Агар сиз..." 9.50 "Ати-бати..." 10.20 "Жанубий Африкадан репортажлар". 10.50 Кел, бафуржа суҳбатлашайлик. 11.15 Мультипульт. 11.25 Мультифильм. 11.35 Олти сотих. 11.55 Кесиб ташламанг... 12.10 Диснейнинг сеҳрли олами.

**13.00 — 17.25**  
**"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
1. "Бурч кўрсатуви". 2. "Шарқ дурдоналари". 3. "Умид" 4. "Чисен" 5. "Торлар кўшиги".  
17.25 "Хайвонот оламида". 18.25 "Ҳар бир кун байрам". 18.35 "Дуненинг энг катта цирклари". 19.35 Мусикий телефильм.

**20.35 — 22.25**  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
22.25 "Тверскаядаги ковоқхона". 23.10 "Жаноб безатувчи". Бадий фильм.

**("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).**

*Бугунги кунда вояга етмаганлар билан ишлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳали оқу-қўрани ажратолмайдиган ўспиринлар билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётганлар. Улар асосан, ўғрилик, безорилик каби жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишяпти. Шу боисдан кўпчилик ата-оналар ташвишда. Аммо, баъзилари фарзандлари тарбияси билан шугулланишмай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Бу ўспиринларнинг жиноят содир этишларига қўл келмоқда.*  
*Ҳўш, бундай ешлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти? Шу хусусда Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш назорияти бошлиғи, милиция капитани Алишер Равшанов билан суҳбатлашдик.*

## Ўғрилик билан нафс қонмайди!

— Айтингчи, ўтган йили шаҳарда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони қанчаликми?  
— Ўтган йили назориятимиз ходимлари томонидан ўспиринлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Мактабларда, ўқув даргоҳларида, маданият масканларида ўтказилган учрашувлар ҳамда бошқа профилактик ишлар туфайли жиноятчилик бир мунча камайди. Аввалги йилга таққослайдиган бўлсак, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар сони 24 тага камайди. Давлат мулкни ўғирлаш эса 3 тага кам. Лекин шахсий мулкни ўғирлаш кўпайди. Яна шунга айтиш керакки, 70 нафар ўспириннинг ҳеч қаерда ишлаганлиги, ўқимаслиги аниқланди. Биз завод ва фабрикаларнинг раҳбарлари билан келишиб, кўпчилик ешларни ишга жойлаштирдик. Аммо кўплаб корхона раҳбарлари ешларни қабул қилмасликларини очик-ойдин айтмоқдалар.  
— Шахсий мулкни ўғирлашнинг кўпайгани бозор иқтисодиёти қийинчиликлари туфайли юзага келган деса, адашмасмиз.  
— Тўғри айтасиз, бозор иқтисодиётининг таъсири бўлса керак. Лекин кўпчилик ешларимиз ҳалол меҳнат қилиб, ота-оналарига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Баъзилари эса оғирнинг устидан, енглининг остидан юриб, ўғрилик билан кун кечирмоқчи бўлаётганлар.  
Аммо, ўғрилик билан қорин тўйгазиб бўлмайди. Халқимиз "Қингир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам ошқор бўлади", деб бежизга айтмайди. Шунинг учун ешларимиз ҳаётга енгли-елпи қарамасликларини истардим. Ақл билан ўйлаб иш кўрсалар, хунук ҳодисалар содир бўлмайди. Шу ўринда бир мисолни айтиб ўтай. 1977 йилда тугилган Руслан Мирзоёнов шаҳардаги Иванова кўчасида истикомат қилади. Ё. Юсупов номи мактабда ўқийди. Бу ўспирин балоғат ешига етмаган Аширхоновнинг 10 сўм пулини кўрқитиб тортиб олган. У август ойдан буён қидирувда эди. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракати туфайли декабрь ойида қўлга олинди.  
— Халқимиз "Бекордан худо безор" деб бежизга айтишмайди-ку, ахир. Бу йил исиз юрган ўспиринларни ўқишга, ишга жойлаштириш учун қандай ишларни амалга оширмоқчисизлар?  
— Бу йилги режаларимиз талайгина. "Ўспирин-93" деб номланган умумлашган режа тузиб чиқдик. Режага асосан прокуратура, суд, халқ таълими бўлими, Ешлар иттифоқи, шаҳар ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимининг комиссияси ва шаҳар ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш назорияти ходимлари биргаликда ҳаракат қиладилар. Асосий мақсад жиноятчиликнинг олдини олиш. Ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрган ўспиринларни ўз вақтида ўқишга, ишга жойлаштириш ниятимиз бор. Яна бир режага асосан мактабларда ўқув тарбия ишлари янада мукамаллаштирилади. Ўспиринлар билан турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказилади. Бундан ташқари, назориятимиз ҳисобида турувчи ўспиринларнинг ота-оналари билан мустақкам алоқа боғланади.

Ҳар хил келишмовчиликлар содир бўлаётган оналар билан ишлаш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, жиноят содир этган ўспиринларни ўзлари яшаётган маҳаллага олиб бориб, маҳалладошлари муҳокамасига қўймоқчимиз. Ана шундай муҳокамада маҳалладошларнинг юзларини ерга қаратган ҳар бир ўспирин ўзига керакли хулоса чиқариб олади, деб ўйлаймиз.  
Ҳозирги кунда кўплаб корхона ва ташкилотларда ишчи ўринлари қисқартириляпти, хусусийлаштириш ишлари олиб бориляпти, лекин шундай бўлсада, корхоналар раҳбарларидан илтимос қилардикки, ешларимизни ишга жойлаштиришда кўмаклашсалар. Ахир бугунги ўспиринлар эртага ота-оналаримизнинг ўрнини эгаллашлари керак-ку? Завод ва фабрикаларда устоз ва шоғирд анъаналари давом эттирилишини жуда-жуда истардик.  
— Ота-оналар фарзандларини уйда, ишда, кўчада, қаерда бўлишмасин назоратсиз қолдирмасликлари керак. Айнасида ўспиринларни. Чунки бу даврда ешлар ўта қизиқувчан, гайратчан бўлиб, ўйламасдан бирор ноҳўя ишни ҳам қилиб қўйишлари мумкин...  
— Мен ҳам шунга айтмоқчийдим. Ўспиринлик даври оғир давр ҳисобланади. Бунда ешлар ўз қизиқишларини, ҳатти ҳаракатларини жиловлай олмайдилар. Шу боис ота-оналар фарзандларининг хоҳиш иродасига қараб ўқишга, ишгами жойлаштиришлари лозим. Ана шундагина унинг бўш вақти кам бўлади. Ҳар хил номаъқулчиликлар қилишга имконияти ҳам бўлмайди.  
Бундан ташқари, бу улارнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш учун қизқарли тадбирлар ишлаб чиқилса нур устига аъло нур бўлур эди. Ҳар хил учрашувлар, мусобақалар концерт ва дискотекалар, ўспиринлар клубларини ташкил этиш мумкин-ку. Ўйлаймизки, бу йил Ешлар иттифоқи қатъий ҳаракат қиладилар.  
Шунингдек, муаммоларимиз ҳам кўп. Ана шундайлардан бири жарима масаласи. Шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан 31 нафар ота-оналарга фарзандларининг кечаси санқиб юрганликлари ҳамда ҳар хил тартиббузарликлари учун жарима солинди. Менимча, ана шу жарима миқдорини ошириш керак. Бир марта катта миқдорда жарима тўлаган ота-оналар, ўйлайманки, фарзандларини тезда тартибга чақириб оладилар. Ўтган йили кечаси сандирақлаб юрадиган ўспиринлардан 276 таси назориятимизга олиб келинган ва тегишли профилактик ишлар олиб борилган.  
Яна бир муаммо, илгари ота-оналарга бўйсунмайдиган, тарбияси оғир ўспиринларни ўқитадиган, балоғат ешига етмаганларни тарбияловчи махсус хунар-техника билим юрти мавжуд эди. Яқинда бу билим юртини ёпиб қўйишди. Бу ҳам бозор иқтисодиётига боғлиқ. Чунки ҳарajatлар кўпайиб кетди. Назаримда, бу билим юртини ҳар қандай шароитда ҳам маблаг билан таъминлаш зарур эди. Ана шу билим юртини яна қайта очиш лозим деб ўйлайман.  
— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош В. ИЛЁСОВ.

## “МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...”



ходимларнинг самолётнинг корпусидан тешик очишга уриниши муваффақиятсиз чиқди. Ана шу ишга ИИВ ЁСБ минтақавий ихтисослаштириш отрядининг шахсий таркиби киришди, улар самолёт корпусидан аввал 8, сўнгра 4,5 дақиқада тешик очдиларки, бу талаб қилинаётган нормативларга мувофиқ келади.


Утказилган машқ ёнгини ўчиришга ва аварияли вазиятларни бартараф этишга жалб қилинадиган куч ҳамда воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишда, аэропорт хизматлари билан ёнгиндан сақлаш бўлинмалари



Ёнгиндан сақлаш хизмати ходимлари учун ҳаво кемаларида юз берадиган ёнгинлар ҳамда аварияли вазиятлар ўз хусусиятларига кўра кўпдан-кўп, операциялар ичида энг мураккаблари ҳисобланади. Самолёт йўловчилари ва экипажининг ҳаёти улар ўз ишини қай даражада уйғунлик билан ва тезкор олиб боришларига боғлиқдир.

Тошкент аэропортида шахсий таркибни ғайриоддий шароитларда ишлаш усулларига ўргатиш, техник воситаларни тайёр ҳолда тутиш, аэропорт хизматлари билан кишиларни самолётлардан эвакуация қилиш, ёнаётган самолётлар ҳамда турли хил ёқилгиларни ўчириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш мақсадида махсус ёнгин-тактик машқи ўтказилди.

Транспорт самолётларида юз берадиган авиация ҳодисаларини таҳлил қилиш фалокатларининг 80 фоизи учиб, ерга қўнишга тайёрланиш



ўртасидаги алоқа тизимида мавжуд бўлган муайян камчиликларни ҳам очиб ташлади. Ҳаво кемасидан ёнгин вақтида тешик очиш бўйича операцияларни ўтказиш учун керакли техник воситаларнинг маънавий жиҳатдан эскирганлиги ҳам аниқланди, олов ўчиргич нарсаларни ёнгин юз берган жойга етказиш иши ҳам унчалик уйғунликда олиб борилмади.

Амалиёт энг кўп даражада реал воқеликка яқинлаштирилган авария-қутқарув ишларини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ишлаб чиқиш учун шу сингари машқларни мунтазам ўтказиш зарурлигини тасдиқламоқда.

**Т. АЗИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
ЁСБ 2-бўлимнинг бошлиқ  
ўринбосари, ички хизмат  
майори.



ва қўниш пайтида юз беришдан далолат беради, авария вақтида машиналарнинг вайрон бўлиш динамикасини тадқиқ этиш эса авиация ҳодисаларида қурбонлар бўлишига олиб келувчи асосий омиллар зарб чоғида ҳаракатга келувчи кучлар ва ёнгин эканлигини кўрсатди.

Машқнинг тактик мақсадидан келиб чиққан ҳолда бортида йўловчилар бўлган ва битта двигатели бузилган “ИЛ-62” самолётининг аварияли қўнишдан фойдаланилди. Сохта қуюқ тутунли муқаллид самолёт учиш-қўниш майдончасининг охиригача юргизилди, бу ерда учувчилари бўлган ва йўловчилар тушган ишловчи самолёт олдидан тайёрлаб қўйилган эди. Муқаллид самолёт ишловчи самолётга яқинлашгач, самолётнинг учувчилари йўловчиларни эвакуация қила бошладилар, етиб келган ёнгиндан сақлаш бўлинмалари ва аэропортнинг авария хизмати ходимлари йўловчиларни эвакуация қилишда ердам кўрсатдилар, самолётни ва тўкилган ҳолда ёнаётган суюқликни ўчиришни машқ қилдилар. Пассажирлар ва экипажни эвакуация қилиш тугагандан сўнг аэропорт ёнгиндан сақлаш ва авария хизматларининг ҳаракатлари оловни ўчириш воситаларини жанговар ҳолга келтириш ва етказиш, самолёт эшикларини ва корпусини ташқи томондан очиш учун махсус воситалардан фойдаланиш билан машғул бўдилар.

Аэропорт авария-қутқарув хизмати



СУРАТЛАРДА: МАШҒУЛОТЛАРДАН ЛАВҲАЛАР.

## ОЛОВ ЖИЛОВКОРЛАРИ

Она-табиатда ўз ҳукмронлигини қилиб келаётган ўт, сув, шамол-бўрон, ер силкиниш каби даҳшатли офатлар мавжуд. Инсоният буларга қарши курашишда қайсидир маънода ҳамон ожиздир. Аммо бепарволик оқибатида даҳшатли оловни ўз қўллари билан вужудга келтираётганларга эса нима дейсиз?

Вилоят ички ишлар бошқармаси ёнгиндан сақлаш қисмлари (МХЁСҚ) ходимлари иқтисодиётимиз танг кечаётган бир пайтда давлат корхоналари ва муассасаларда, аҳоли яшаш жойларида кенг ва атрофлича тушунтириш ишлари олиб боришаётганларига қарамай ҳамон ёнгинлар содир бўлиб турибди.

Биз Андижон шаҳар 1-МХЁСҚ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат капитани Қобилжон Қорабоев билан шу борада суҳбатлашдик.

— Қобилжон, бугунги кунда қисм ходимлари олиб бораётган, қиш давомида амалга оширилган ишлар, ёнгинлар сабаблари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Қисмимизда 142 нафар ходим бор. Уларнинг ҳар бири ўзларига биркитилган вазифаларни сидқидилдан бажаришлари туфайли турли кўринишдаги ёнгинни келтириб чиқарувчи сабабларнинг олди олинмоқда.

Маҳалла қўмиталари, турар жой бошқармалари, давлат корхона ва муассасалари раҳбарлари билан йўл-ўйриқлар, тушунтириш ишлари олиб борувчи махсус назоратчиларимиз бор. Аммо уларнинг қанча тушунтириш, тарғибот- ташвиқотларига қарамай шаҳарнинг гоҳ у чеккасида, гоҳ бу чеккасида олов ўчоғи пайдо бўлиб турибди.

1993 йилнинг қиши анча совуқ келиши турли туман ёнгинларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, Андижон шаҳар Полосон кўчасида яшовчи Б.Каримовнинг уйида газ ўчоғидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаганлиги туфайли ёнгин чиққан. Натижада 40 минг сўмликдан зиёд мол-мулк ёниб, кулга айланган. Худди шундай воқеа Рудакий тор кўчасида яшовчи С.Зулунов, Обод кўчаси, 7-уй эгаси Н.Сафохонов, Чапаев 5-тор кўчасидаги 10-хонадонда яшовчи М.Богданова ва бошқаларнинг газдан нотўғри фойдаланганликлари, техник қоидаларига мутлақо риоя қилмаганликлари сабабли юз берган ва натижада ҳар бир хонадон эгалари бир неча минг сўмдан моддий зарар кўрганлар. Қўлбола ҳаммом ва ундан фойдаланишни билмаслик оқибати ҳам бор. Андижон шаҳар, Охунбобоев кўчасида яшовчи Муҳитдин Фахритдинов ҳаммомни иситган, қизи Маликаҳон ҳаммомга киришдан олдин чироқни ёқмоқчи бўлган, у нам тегиши сабабли ёнмаган. Қизча гугурт ёқиб кирмоқчи бўлган, шунда ерда турган бензин буғланганлиги сабабли ёнгин содир бўлган. Медицина

хулосасига қараганда қиз 70 фоизли куйиш олган. Отаси ўчираман деб энгил тан жароҳати олган. Бунга энг асосий сабаб ҳаммом ичида бензин сақланиши бўлган. Бундай нохуш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Ўқув, таълим-тарбия муассасаларида профилактик ишлар қандай олиб борилмоқда.

— Бу соҳада нозирларимиз мактабларда, ҳунар-техника билим юрларида, мактабгача тарбия муассасаларида, ётоқхоналарда ёнгиннинг олдини олиш масалаларига оид тушунтириш, тарғибот- ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Ва булардан ташқари кечалари рейдлар уюштирилади. Бундай чоратadbирлар ўз натижасини бермоқда. Аммо баъзи бир раҳбарларнинг, хўжалик ходимларнинг ўз вазифасини тўла билмаслиги ёки билса ҳам совуқонлик билан қараплари туфайли оз-моз бўлсада кўнгилсиз ҳодисалар бўлиб турибди. Эрта тонгда шаҳардаги 25-ўрта мактаб қоровули Собиров деган шахс бизга ёнгин бўлаётганлигини хабар қилди. Зудлик билан ўт ўчириш командамиз воқеа содир бўлган жойга етиб борди ва тун, олов чиқаётган синфхонага ёриб кириб, оловни жиловлашди. Ёнгин газ ўчоғини тунда қаровсиз қолдирганлиги туфайли юз берибди. Мактаб директори, хўжалик мудирини, тегишли жарималарни ўз ҳисобларидан тўлашди.

— Қобилжон, ўт ўчириш ходимларининг ишлари рағбатлантирилиб туриладими?

— 1992 йил якунларига кўра, вазифасини сидқидилдан, фидоийлик билан бажарган, садоқат кўрсатганлардан 40 дан зиёд ходимларимиз ойлик маошларининг 60 фоизи миқдоридан мукофот пули олдилар. Оддий ўт ўчириш ходимларига уй-жойларини яхшилаб олишда қурилиш материалларидан ҳам кўмаклашиб турибмиз.

Суҳбатдош: Маъмуржон  
БОЛТАБОВЕВ.

Ховост кишлоғида бирданига икки кишини сўйиб кетишганлиги ҳақидаги совуқдан совуқ хабар Янгиер ИИБ ходимларини ташвишга солиб қўйди. Улар воқеа жойига етиб келишганида бу ерда одамлар тўпланиб туришарди.

Тан жароҳати олган Алёна Ладигина зудлик билан шифохонага жўнатилиб, ходимлардан 3-4 нафари қотилни қидириш, бошқалари жасадни экспертизадан ўтказиш билан шуғулланишди.

Қотилни ҳам, жабранувчиларни ҳам шу кишлоқда танийдиган ва биладиганлар бор экан. Уларнинг кўрсатмалари билан ишга киришилди.

Бир неча соатдан сўнг Бекобод йўлида кетаётган қотил — Николай ушланиб, ҳибсга олинди.

Бекобод шаҳар, Пешков кўчасида яшовчи Николай Кузнецов қилган жинояти учун олдин ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖМсининг 204-модда 2-қисмига биноан жазо муддатини ўтаб чиққач, хотинининг эри — Мусаевга тан жароҳати етказиб, қочиб юргани устига яна жиноятга қўл урганлиги маълум бўлди.

Шифохонада ётган З. Мусаев, терговчининг "Сизга тан жароҳати етказган ким?" — деган саволига "Хотинимнинг эри", — дея жавоб қилди.

Бу воқеа қуйидагича бўлганди:  
Н. Кузнецов қамоқ муддатини ўтаб чиққач, ўғилчасини кўриш мақсадида Ховост кишлоғига келди. У қамалмасидан олдин Юля билан никоҳсиз яшаб, ўртада фарзанд кўришганди.

Юля Николайга у қамалиб кетгач, ача-мунча ўзгаришлар бўлганлиги, З. Мусаев билан никоҳсиз яшаётганлиги, аммо у ҳам илгари қамалиб чиққан бўлиб, доимий равишда ичиб келиб дўппослашини, энди у билан яшаш истаги йўқлигини зорланиб гапирди.

Николай иккинчи мартаба ўғлини кўришга келганда, ҳам З. Мусаев бу хонадонни тарк этмаган экан. Икки эркак озроқдан ичиб, улфатчилик давомида "эркакчасига" гаплашиб олишмоқчи бўлишди... Кайф ошган сари овозлар баландлар, дағаллашарди. Ниҳоят З. Мусаевнинг жаҳдан кўзига қон тўлиб, пичоқни қўлига олди. Николай эса чекиниб, кўчага чиқди. Буниси унисига эргашди. Николай йўл четигадаги арматурани олди-да, рақибининг елкасига шундай урдик, у гурсиллаб ерга қулади, пичоғи эса Николайнинг оёғи остига келиб тушди.

У пичоқни олиб, З. Мусаевнинг юзига санчди.

ЖКБ ходимлари Николай Кузнецовни тутиб, қамаб қўйишди-ю, яна баъзи бир мулоҳазаларга бориб, ҳеч қасқа кетмаслик тўғрисида тилхат олиб, қўйиб юборишди.

Николай эса қамалиб кетишдан кўрқиб, Украинага қочиб кетди. Орадан анча вақт ўтиб, кўп нарсалар унутилгач, Ховостга қайтиб келди.

— Бекободга бориб, вақтинча яшаб турсак, — дея таклиф қилди Юляга.

туман дил оғригадиган, бош қотирадиган, ўйлашга мажбур қиладиган сўзларни айтмаслиги лозим. Кучи етса, ўшандай муомалани ўзи ҳал қилса яна ҳам яхши.

С. Шомансурова онасига Кузнецов уни сўкканини, "пулни тўламасанг телевизорингни синдираман", деганини, М. Ладигина ҳам ўз навбатида бўлиб ўтган жанжални ўғли Володяга, Володя эса Қаршидан меҳмонга келган укаси Александрга айтишлари шунчалар шартмиди, деган савол тугилади.

Дастурхон устида озроқдан спиртли ичим-

шарпаларни эшитди ва шубҳаланиб уйига кирди-да, эшикни қулфлаб олди. Шарпалар эшик олдида етиб келишгач, у хотинига бақириб:

— Қани болтани олиб кел, чопиб ташлайман, — деди.

15 дақиқадан сўнг шарпалар ташқарига чиқиб кетишди, шекилли, жимлик чўкди.

У туни билан ухламади. Эрталаб бироз ичиб, қайғусини тарқатмоқчийди, Алёна Ладигина кириб қолди. Николайнинг хотини Алёнадан 9 сўм қарз бўлиб, йўл-йўлакай пулини сўраб кирган экан.

— Ма, ол. — деди Николай Алёнага пул узатиб, — лекин акаларингга айт, улар энди тинчланишсин... кимдир шифохонага, кимдир қамоққа тушмасин яна...

Николай хотини иккови меҳмондорчиликдан қайтиб келишса, эшик дермантинини кимдир кесиб, бош суяк расмини чизиб кетибди. "Бу ишни ака-ука Ладигинлар қилишган", деган ўйга борди Николай.

У пичоғини олиб, Ладигинлар хонадонига жўнади.

— Ўғилларим уйда йўқ. Эрталаб олдинга боришиб, сени тополмай қайтишганди, — деди Мария хола.

... Николай хотини иккови, Мария холанинг кўшнисиникига кириб, Ладигинларни кутишмоқчи бўлишди.

Деразадан Ладигиннинг келаётганини кўрган Николай сапчиб кўчага чиқди. Александр Николайнинг юзига мушт тушди. Николай эса жаҳл устида Сашага бир неча бор пичоқ тикди. У шу заҳотиёқ йиқилиб, жон берди. Николай нима қиладиганини англамасди. Бўлмаса Сашани-ку чавақлади, "Вой акам" — деб уни кучиб йиғлаётган Алёнада нима айбқи, унга ҳам бир неча бор пичоқ санчди.

У қочиб, хотини билан Бекобод йўлидан кетаётганда, милиция ходимлари ушлаб, ҳибсга олишди.

Суд ҳайъати, жанжал сабабчилари Ладигинлар оиласи тўғрисида тўхталиб, В. Ладигин Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 216 ва 114-моддалари билан 7 йил муддатга қамалиб чиққанлигини, унинг онаси ҳам жанжалкашликка мойил эканлигини, ўғилларини Кузнецовга қарши қайраб, "тахлил" учун юборганлигини қоралади.

Николай эса 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди

Х. МҮЙДИНОВ.

# Ховостнинг эри қилган ишлар

Юля рози бўлди ва кўшниси С. Шомансуровга хонадонини вақтинча топшириб, Бекободга кетишди.

Уч ой ўтгач яна қайтиб келишди. Кўшнilar Юляниқидан яна ўз уйларига кўчиб ўтишди. Юля ва Николайнинг айтишига кўра, уй хоналари уч ой ичида чизиб ташланган, деворлари кўчган, баъзи буюмлари йўқолган, бунинг устига сув иситгич куйиб қолганди. Бу ҳолат Юля ва Николайнинг норозилигига сабаб бўлди.

Уй эгалари кўшнисидан уйини таъмирлашни талаб қилишди. Рост-да. Ахир у эгаларининг илтимосларига кўра кўчиб ўтишган эди-да. "Биз уйингга қоровул эмасмиз", дейишганда нима қилишарди? С. Шомансуровнинг онаси М. Ладигина куйган сув иситгич учун 500 сўмни ношукур кўшнilarига тутқазар экан, пулни олишганлиги тўғрисида тилхат ёздирди-ю, қўлидан кетаётган пулини алами билан уларга ўқрайиб тикилди, сўқиниб, Николайни "фирибгар" деди. Хуллас, "Қарс икки қўлдан чиқади", деганларидек, икки кўшни бир-бирларига тил найзаларини санчиб тарқалишди. Одатда туғишганлар бир-бирларига турли-

лик истеъмол қилган ака уқанинг гапини эшитгач, Николай билан ҳозироқ учрашиб "гаплашиб" қўймоқчи бўлди. Ака-ука онасининг: "Хозир борманглар, кеч бўлиб қолди, бунинг устига ичгансизлар", — дейишига қулоқ солмай, Николайнинг уйига йўл олишди.

Байрам куни бўлишига қарамай, Николайнинг кайфияти бузук ҳолатда эди. Мария хола 500 сўми эвазига дакки бериб, беҳурмат қилиши қонини қайнатаётганди. Бемаҳал чалинган кўнгирикдан ҳайратланди-ю индамай бориб эшикни очди.

— Қани ташқарига чиқ, гаплашамиз, — деди нотаниш киши.

— Шу ерда ҳам гаплашаверамиз, — деди Николай.

— Бир ўзим эмасман, ташқарига чиқмасанг сени соғ қўймаймиз, — деб ўшқирди нотаниш киши.

Николай ичкарига кириб пичоғини олди-да, қахр ила эшикка йўналди. Лекин негадир нотаниш киши шериги билан қочиб қолишди. Бироз муддат ўтгач, соф ҳаводан нафас олмоқчи бўлган Николай ташқарига чиқди. Бирок сўқиниб, яқинлашаётган овозу

Фуқаролар диққати!

## РУХСАТСИЗ ҚУРОЛ САҚЛАМАНГ!

Шу йилнинг февраль ойидан бошлаб, Шеробод тумани ИИБ томонидан "Арсенал" тадбири ўтказилмоқда ва унга асосан, хонадонларда ноқонуний ҳолда сақланаётган ўқотар қуроллар аниқланиб, олиб қўйилмоқда.

Бугунги кунда оператив вазият шуни кўрсатиб турибдики, аҳоли ўртасида ўқотар қуролларни сақлаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Рухсатсиз қурол сақлаб келаётганлар ўз ихтиёрлари билан уларни туман ички ишлар

бўлимига топширишлари шарт. Тадбир давомида эса уч кишининг ихтиёрий тарзда қуролларини ички ишлар бўлимига олиб келиб берганликларини ва уларнинг ҳар қандай жавобгарликдан озод этилганликларини айтиб ўтиш жоиз.

"Милтиқ бир марта отади", дейдилар. Ҳақ гап. Афсуски, бу сўзларнинг маъносини айримлар тўла тушуниб етмаяптилар. Шу йилнинг февраль ойи охирларида В. Қодиров номли давлат хўжалигида яшовчи ўсмир йигит отасига тегишли ўқотар қурол билан ўз-ўзини отиб қўйди ва оғир яраланиб, касалхонага ётқизилди. Ваҳоланки, йигитнинг ота-онаси участка вакилига уйларида қурол йўқлиги ҳақида тилхат ёзиб бергандилар. Оқибатда ёлғон тилхат уларни икки қарра жазолади.

Юртдошларимизга яна бир бор мурожаат қиламиз: уйингизда қуролларни рухсатсиз сақламанг! Агарда ноқонуний сақлаётган бўлсангиз, дарҳол топшириш чорасини кўринг. Таъкидлаб ўтамиз, қуролларни ўз ихтиёрлари билан топширганлар жавобгарликдан озод этиладилар. Уйимга қайғу ораламасин, десангиз шундай қилинг!

З. БОТИРОВ,

Шеробод тумани ИИБ бошлиғи Уринбосари, милиция майори.

Суратда: аҳолидан олинган қуроллар.



М. НАВРҮЗАЛИЕВ, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.

## ЭГРИЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА

### ОЛТОВЛОН ОЛА ЧИҚДИ

Қўшқўпир тумани Москва жамоа хўжалигида яшовчи Ж. Эрнзаров тонгда молхонага кириб қараса, 4 бош қўйи жойида йўқ. Бу ёғи маълум. У ўйлаб ўтирмай, туман ИИБга хабар берди. Тезкор гуруҳ олиб борган ишлар натижасида олти кишидан иборат жиний тўда фош этилди. Тергов жараёнида тўданинг бир неча мол ўғирлиги содир қилганлиги аниқланди.

Туман суди жиноятчиларни турли муддатларга озодликдан маҳрум этди.

### КўРҚИТМОҚЧИ ЭДИ...

Дўкон мудри И. Норбоевнинг уйига қуролли босқинчи бостириб кириб, катта миқдорда пул талаб қила бошлади. Уй эгаси кутилмаган дўқ-пўписадан довдираб, тили айланмай қолди. Босқинчи мезбонни бу ҳолатдан чиқариш мақсадида ўқ отди. Бироқ қўйи-қўшнilarнинг ўқ овозидан хабар топганини сезиб, жуфтакни ростлашга мажбур бўлди.

Қўшқўпир тумани ИИБ ходимларининг олиб борган чоратадбирлари туфайли "милтиқли одам" қўлга олинди.

С. БОБОЕВ.

### САНЪАТ ШАЙДОСИМИ?

Урганч шаҳрида яшовчи Р. Отажонованинг уйдан номаълум шахслар "Арзон", "Шарф" ва "Интернационал" белгили магнитофонларини ўғирлаб кетганлар. Текширувда шу нарса маълум бўлдики, ўғрилар уйга дераза орқали кирган.

Самарали қидирув натижасида ўғри ушланди. У Урганч шаҳридаги К. Маркс номи ўрта мактаб ўқувчиси бўлиб чиқди. Далилий ашёлар олинди.

### БАРИБИР ФОШ БҮЛДИ

Халқимизда "Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" деган нақл бор. Бу ҳақ экан. 1992 йилнинг 14 октябрида Хива туманида яшовчи Эгам Оллоназаровга тегишли бўлган "Москвич"нинг тўртта гилдирагини номаълум шахслар ўғирлаб кетишган эди. Милиция ходимларининг суриштирув ва қидирув ишлари ўз натижасини берди. Ўғри ушланди. У Хива туманидаги Беруний жамоа хўжалигида яшовчи ва шу жамоа хўжалигида пайвандчи бўлиб ишловчи шахс бўлиб чиқди.

Бу иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

### ЯНА ГУГУРТЛИ БОЛАЛАР

Болаларнинг ўт билан ўйнаши ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида кўплаб гапирилмоқда. Натижа эса ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек эмас.

Янгиариқ туманидаги М. Маткаримов номли жамоа хўжалигининг 5-бўлимида яшовчи Исмоил Каримов хонадонда болаларнинг гугурт чақиб ўйнаши натижасида фожа рўй берди. Воқеа шундай бўлган. И. Каримов машинасини таъмир қиладиган вақтида унинг икки нафар фарзанди гугурт чақиб ўйнаб, ёниб турган гугурт чўпини бензин тўла пақирга ташлаган. Кучли ёнғин натижасида И. Каримовнинг фарзандлари — 1985 йилда туғилган Инобат ва 1988 йилда туғилган Исроииллар куйиб, ҳалок бўлишган.

М. НАВРҮЗАЛИЕВ, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.

**ХИЗМАТ ЖОЙИ — ИЧКИ ИШЛАР ҚЎШИНЛАРИ**

**Байрам кўнгилдагидай ўтди**



Байрамга аввалбошдан пухта тайёргарлик кўрилди. Шунинг учун бўлса керак, у қутилганидан ҳам зиёда ўтди. Аскарлар ўз байрамларини бўлинма тузилган кунга бағишладилар. Анъанавий тансиқ таом — паловдан сўнг "Дўстлик" бадиий-вокал дастаси концерт қўйиб берди.

Шунингдек, аскарларни табриклагани мактаб ўқувчилари, қизиқчилар, раққос ва раққосалар ташриф буюришди. Хуллас, барча байрам баҳона кўнгил чигилини ёзиб олди.

Суратда: байрам лаҳзалари.

**Р. ҚУРБОНОВ.**  
Бухоро.



**ОШИҚЛАРИ**

Халқимизда қиморбоз одамнинг икки дунёда қосаси оқармайди, деган нақл бор. Ҳа, дарҳақиқат кундалик ҳаётимизда қиморбозликни касб қилиб олиб, текинхўрларча кун кўраётган кимсаларнинг аҳволини кўриб турибмиз. Азалдан доно халқимиз қиморбозларни бармоқларини бигиз қилиб кўрсатишиб келишган ҳамда улар билан бир дастурхонда ўтиришга ҳазар қилишган. Бизнинг қонунчиликда ҳам қиморбозлик жиноят ҳисобланади. Шунинг учун Риштон тумани ички ишлар бўлими ходимлари қиморбозлик томирини қуритиш мақсадида тинмай фаолият кўрсатмоқдалар.

Масалан, ИИБ ходимлари туманининг Дутир қишлоғида анчадан бери чўталчилик билан кун кўриб келаётган Абдуқаҳҳор Муталиповнинг уйига ошиқлар қўлдан қўлга тегмай сакраб турган вақтида бостириб кирдилар. Бу ерда қиморбозлардан Андижон

шаҳридан келган Тоир Жаҳонгиров, Риштон шаҳар, Набиев кўчасида яшовчи Абдумалик Мамадалиев ва

**«ЧИККА»**

бошқалар ошиқ суришаётгани аниқланди ҳамда тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб, туман ҳокимлиги ҳузурдаги маъмурий комиссияга чора кўриш учун юборилди. Икки ойча бурун эса милиция ходимлари туманининг Оқер қишлоғида яшовчи Ҳакимов Абдумаликнинг янги қуриб битказилган, лекин бола-чақаси кўчиб кирмаган уйни қиморхона қилиб қўйганидан хабар топдилар. Қиморбозлардан Учариқ қишлоғида яшовчи Анвар Бўронов қиморга тиккан 728 сўм, Риштон шаҳар, Ленин кўчасида яшовчи Султон Раҳимов — 600, Ўйрат қишлоғида Ўқтам Исроилов — 979, Риштон шаҳар, Бобоев кўчасида яшовчи Адҳам Нуриддинов — 158, Олтиариқ тумани, Зархар қишлоғидан келган қиморбоз Бекдодо Абдукаримов — 2650, Риштон

тумани Тўда қишлоғида яшовчи Исоқжон Мирзақуллов — 2095 сўм пул билан қўлга тушдилар. Шунингдек, бу қиморхонада бор-йўгини ютқазиб қўйиб, томошабин бўлиб ўтирган Дутир қишлоғилик Дилшод Исомов ва Оқер қишлоғилик Абдулатиф

**БЎЛДИ**

Абдуваҳобовлар ҳам бор эди. Шу йил 17 январь куни эса милиция ходимлари Тўда қишлоғида яшовчи чўталчи Сидик Нишоннинг уйида гардкамчилар ошиғини "чикка" қилишди. Бу ерда Андижон шаҳар, Бобур кўчасида яшовчи Тоҳир Ҳасанов, Тўда қишлоғилик Фаҳриддин Юсупов, Латиф Тешабоев, Риштон шаҳар, Ленин кўчасида яшовчи Султон Раҳимов ва чўталчи Содик Нишонлар ошиқ отишаётган экан.

Қиморбозларнинг ошиқлари "чикка" бўлиб, тегишли жазоларини олдилар.

**Эминжон ОБИДОВ,**  
милиция капитани, жамоатчи муҳбир.

**ҚИДИРИЛМОҚДА**



Шаҳрисабз шаҳар ИИБ томонидан 1963 йилда туғилган, миллати ўзбек, ўрта маълумотли, оилали, Шаҳрисабз шаҳар А.Хаймов кўчаси, 49 уйда яшаган, илгари

Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-модда 2-қисми, 88-модда "А" банди, 166-модда 1-қисми билан судланган ҳамда 1993 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 181-модда 2-қисми ва 210-модда 1-қисмида кўрсатилган жиноят содир этиб, жавобгарликдан қочиб юрган Рустам Авлоқулович Аминов қидирилмоқда.

Белгилари: спорт билан шуғулланган, жисмонан бақувват, бўйи 175-180 см., кўзлари катта, қора, қошлари қалин, юқоридаги тишларининг ҳаммаси сариқ металл билан қопланган, сочлари қора, 2-3 см. қилиб қирқилган.

Рустам Авлоқулович Аминов ҳақида бирор нарса билганлардан "02" телефони орқали яқин орадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ томонидан 1979 йилда Шаҳрисабзда туғилган Ирода Баратова қидирилмоқда. У 1992 йил 23 октябрь куни уйдан чиқиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, кўзи қора, қора сочлари елкасидан пастроққа тушиб туради, пастки лабининг чап томонида холи бор, бурни пучуқроқ. Уйдан чиққан куни мактаб формаси устидан жемпер ва қизил гулли қора юбка, яшил рангли шим, босоножка кийган.

Ирода Баратова ҳақида бирор нарса билганлардан "02" телефони орқали яқин орадаги милиция



бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.



1990 йилда Фарғона вилояти, Учкўприк туманида туғилган, шу

туманининг Ленин номли жамоа хўжалигида яшайдиган Гулбахор Юнусова қидирилмоқда.

У шу йилнинг 27 февраль куни кечга яқин ҳовли дарвозаси олдида ўйнаб юриб, йўқолиб қолган.

Уст-боши: ўша куни бошида сарғиш рўмоли, эгнида жемпери, оёғида қизил шиппаги бўлган.

Белгилари: бўйи 120 сантиметр, кўзлари йирик, сочи малларанг.

Гулбахорни топиб берганлар учун суюнчи бор. Ёрдамингизни дариг тутманг!

**ҲИММАТ**

Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими уч йил бурун шаҳардаги 80-мактаб-интернатни ўз оталигига олган эди. Ўшандан буён ҳар бир байрамда уларни ёдлаб, совга саломлар элиб туришади. Наврўз айёмида ҳам шундай бўлди.

19 март куни бўлим бошлиғи, милиция майори Мираъзам Мирзаев бошчилигида бир гуруҳ бўлим ходимлари ушбу мактаб-интернатда меҳмон бўлишди. Мактабга байрам муносабати билан 10 минг сўм пул ва у ерда тарбияланаётган ўқувчиларга 5 минг сўмлик ҳар хил ўйинчоқлар ҳадя этишди.

Болалар совгадан жуда мамнун бўлдилар.

Бундан ташқари шахсий таркиб йиғилиш ўтказиб, унда ҳар бир зобит ўз ҳисобидан 500 сўм, сержантлар эса 200 сўмдан пул ажратиб, хайрия жамғармаларига ўтказишга қарор қилдилар.

**Малик ЮНУСОВ,**  
Олмалик шаҳар ИИБ бошлиғининг муовини, милиция подполковниги.

**АРЗ**  
**ҲАМ ПУЛ КЕТДИ,**  
**ҲАМ СОАТ**

Ўзим ногиронман. Битта қўл соатим бор эди. Бузуқ эди. Тошкентдаги "ЦУМ" деган катта дўконнинг биринчи қаватида жойлашган Тошкент маиший техника таъмири бош корхонасининг 18-бўлимига ўша "Луч" деган соатимни тузатишга бердим. Бир киши: "145 сўм беринг", — деди. Бердим. У олти кундан кейин соатимни олиб кетишим мумкинлигини айтди. Шунча вақтдан кейин борсам, ўша соат тузатадиган жой епиқ. Ҳа, десам, бир киши приватизация қилади, деди. Дўкон маъмурига учрадим, ҳеч нарса билмайди.

Шундай қилиб ҳайронликда қолиб юрдим. Бу орада бир-неча марта бордим, натижа чиқмади. Охирги келганимда қарасам, устахона таг-туғи билан йўқ. "ЦУМ"нинг биринчи қаватига қўшиб юборишибди. Шундай экан олдинроқ бизга айтишмайдими, соатимизни қайтаришмайдими? Кейин дўконни бузиб, хоҳлаганини қилмайдими?...

**Ҳомид ҲОЛИҚОВ,**  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 138, 34.369 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

**Муҳаррир**  
**Зокир ОТАЕВ.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:**  
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.